

**ЛОЙИХА -СМЕТА, ( ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ  
ШАРТНОМАСИ № 57186**

Фаргона шаҳри

2022 йил “17” ноябрь

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фаргона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ҳ.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Qo’qon Loyiha Qurilish” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Позилов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳукуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

**1.Шартнома мавзуси**

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Фаргона вилояти Қўқон шаҳар "Наврӯз" МФЙ биносини жорий таъмирлаш ишларига смета ҳужжатлари тайёрлаш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.**

**2.Шартнома бўйича ишлар қиймати**

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. « 14 » ноябрь кунги харид комиссиясининг 57186-сонли баёнига асосан жорий нархларда **1 261 000 (бир миллион икки юз олтмиш бир минг) сўмни, шу жумладан қўшимча қиймат солиғи 15% - 164 478 сўмни ташкил этади.**

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган қундан эътиборан 5 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 21 ” ноябрда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**3.Пудратчининг мажбуриятлари**

3.1. Мазкур шартнома имзоланган қундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартноманинг ҳужжатларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

**4.Буюртмачининг мажбуриятлари**

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган қундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

**5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

## **6.Ишларни бажариш**

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди.Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қиласи, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳакида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

## **7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Инвестициявий ва инфратузлувий лойиҳаларнинг лойиҳа олди, давлат харидига доир тендер бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва техник топшириклар ҳамда шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-332-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаликкни қисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сўнг, Пудратчи 3 кун мобайнида лойиҳанинг ишчи ҳужжатларини 3 нусхада, смета ҳужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласи.Лойиҳанинг ишчи ҳужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқшлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қиласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қиласи.

## **8.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

## **9.Кафолатлар**

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлади;

## **10.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди.Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқфланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чикиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли, иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштиргмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш буйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниң умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмираш ишларини бажафиш давомида обьектда лойиҳа-смета хужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлигича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортини, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплади.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, обьектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## 11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;
- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонуналари га зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин:

## 12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик хужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

## 14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Уч нусха ҳам айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

## 15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### Буюртмачи

Фарғона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати”

Манзили: Фарғона ш. Темирийўл кўчаси 37-үй

Тел./факс 244-52-24

ШХР № 30.30.1.16.0.30401.10.11.40.2018002.

Ташкилотнинг: СТИР 204816336 ОКЭД-

Фарғона вилояти бўйича Фазначилик бошкармаси

ЯФХ : 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО: 00014 Фазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

Рахбар

Х.Долимов

М.У.

Хукукшунос:

М.Маматкулов

### «Пудратчи»

«Qo'qon Loyiha Qurilish” МЧЖ

Манзил: Кўкон ш. А.Т.Хўқандий 1306-үй

Тел: 998-90-292-55-55

Х/Р: 20208000904265675001

Банк: АТ Ҳамкор банк Кўкон бўлими

МФО: 00956 ИНН: 204546411

ОКОНХ: 71110

Директор

А. Позилов

